Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 18 DEKABR ◆ SESHANBA ◆ № 150 (26.852)

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу.

Муборак Ийд ал-Фитр кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Саудия Арабистони Подшоҳлиги халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номимдан сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилаб, самимий табрикларим ва биродарона тилакларимни йўллашдан бахтиёрман.

Қодир Аллоҳдан барчамизга бахт-саодат ва сиҳат-саломатлик, мусулмон умматига эса хайр-баракот ва фаровонлик ато этишини сўраб қоламан.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз.

Биродарингиз

Икки муқаддас масжид ходими,

Фаҳд бин АБДУЛАЗИЗ ас-Сауд,
Саудия Арабистони Подшоҳи

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муборак Ийд ал-Фитр муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўзимнинг самимий табрикларимни йўллайман. Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат тилаш менга мамнуният бахш этади.

Биродар Ўзбекистон халқига Сизнинг доно раҳбарлигингиз остида доимий тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Қодир Аллоҳдан ислом умматига ушбу қутлуғ кунлардан беадад насиб этишини сўрайман.

Қобус бин САИД,
Уммон Султони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Муборак Ийд ал-Фитр муносабати билан Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги ҳукумати, халқи ва шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига энг самимий табриклар йўллайман. Сизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, биродар ўзбек халқига эса, доимий тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Абдуллоҳ ИККИНЧИ,
Иордания Подшоҳи

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Бутун ислом оламига муборак Ийд ал-Фитр байрами кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига энг эзгу тилак ва табрикларимни йўллашдан бахтиёрман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, Ўзбекистон халқига осойишталик ва фаровонлик тилайман.

Байрамингиз қутлуғ бўлсин!

Али Абдуллоҳ СОЛИҲ,
Яман Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу.

Ислом уммати қутлуғ Ийд ал-Фитр байрамини нишонлаши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларим ва эзгу истакларимни йўллаб, мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ҳамда ватанингиз ва ислом хизмати йўлидаги саъй-ҳаракатларингизда муваффақиятлар тилайман.

Қодир Аллоҳдан рўзамизни ва ибодатларимизни қабул қилишини ҳамда Ислом умматига фақат яхшилик ато этишини сўрайман.

Ушбу саодатли айёмда Аллоҳдан буюк халқингизга хурсандлик, тинчлик ва Ислом уммати сафларини жипслаштиришда зафарлар ато этишини сўрайман.

Жаноби Олийлари, самимий эҳтиромимни қабул этгайсиз.

Абдулвоҳид БЕЛКАЗИЗ,
Ислом конференцияси ташкилоти
Бош котиби

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Марказий сайлов комиссияси раиси Абдурафиқ Аҳадов бошқарди.

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Қонунларга биноан мажлисда умумхалқ референдуми уюшқоқлик билан ўтказилишини таъминлаш масалалари кўриб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказувчи 14 та округ комиссиясининг таркиби, референдум ўтказувчи округ ва участка комиссиялари ҳужжатлари, кузатувчилар ва хорижий кузатувчилар мандатлари ҳамда кўргазмали тарғибот плакатларининг намуналари тасдиқланди.

Умумхалқ референдумига тайёргарлик ишларини амалга ошириш юзасидан вазифалар белгиланди. Референдумга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш қонун доирасида амалга оширилиши, бу борада жойларда тарғибот-ташвиқот ишлари тўғри олиб борилиши зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, мажлисда комиссия ваколати доирасидаги бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

■ (ЎзА)

САМАРҚАНД ЮНЕСКОНИНГ ЖАҲОН МЕРОСИ РЎЙХАТИГА КИРИТИЛДИ

Ўзбекистон — тарихий обидалар, маданий ёдгорликларга бой мамлакат. Бу бебаҳо мероснинг анчагина қисми аллақачон инсоният мулкига айланган. Эндиликда рўйи замин сайқали бўлмиш Самарқанд ҳам ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига кирди. ЮНЕСКО Жаҳон мероси қўмитасининг 12-16 декабрь кунлари Финляндиянинг Хельсинки шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида шундай қарор қабул қилинди.

Самарқанд Темурийлар даврига оид меъморий обидалари билан бир қаторда, кейинги даврларга оид ёдгорликлари билан ҳам машҳур. Регистон мажмуи, Бибихоним масжиди, Гўри Амир мақбараси, Шоҳи Зинда ва бошқа тарихий масканлардан зиёратчилар қадами узилмайди.

Самарқанд доимо қадимий шарқона шаҳарлар маданиятининг тимсоли сифатида эъзозлаб келинган. У Афросиёб археологик қазилмалари ва Темурийлар шаҳри сифатида ҳам ном қозонган. Ушбу шаҳар, айниқса, Темурийлар сулоласи пойтахти бўлган даврда ҳар томонлама равнақ топиб, чирой очган.

ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига Хивадаги Ичон Қалъа (1990 йил), Бухоронинг тарихий маркази (1993 йил), Шаҳрисабз шаҳрининг тарихий маркази (2000 йил) киритилган эди. Эндиликда улар қаторига Самарқанд ҳам қўшилди. ЮНЕСКОнинг рўйхатига киритилиши билан, ушбу тарихий ёдгорликлар халқаро ҳамжамият муҳофазасида бўлади. Халқаро ҳамжамият келажак авлодларга шу ҳолда етказиш учун уларни таъмирлаш ва сақлаш ишларида кенг кўламли ёрдам кўрсатади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистоннинг мазкур тарихий обидалари Франциядаги Нотр-Дам (Биби Марям) ибодатхонаси ва Версал саройи, Италиядаги Венеция ва Флоренция шаҳарлари, Миср эҳромлари, Ҳиндистондаги Тожмаҳал мақбараси, АҚШдаги Озодлик ҳайкали, Индонезиядаги Боробудур қасри каби жаҳоннинг машҳур тарихий ёдгорликлари билан бир қаторда туради.

ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига ҳозиргача дунё бўйича 721 та маданий ва табиий ёдгорлик киритилган.

■ (ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 18 декабрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	354,86
1 Австрия шиллинги	44,98
1 Англия фунт стерлинги	996,37
10 Бельгия франки	153,42
1 Голландия гульдени	280,84
10 Греция драхмаси	18,18
1 Дания кронаси	83,18
1 БАА дирхами	186,64
1 АҚШ доллари	685,45
1 Миср фунти	151,98
10 Испания песети	37,20
100 Италия лираси	31,96
1 Канада доллари	439,64
1 Хитой юани	82,82
10Люксембург франки	153,42
1 Малайзия ринггити	180,41
1 Германия маркаси	316,43
1 Польша злотийси	171,19
1 СДР	869,99
1000 Туркия лираси	0,48
1 Финляндия маркаси	104,09
1 Франция франки	94,35
1 Швейцария франки	420,99
1 ЕВРО	618,89
10Жанубий Корея вони	5,37
10 Япония иенаси	53,57
1 Россия рубли	22,71
1 Украина гривнаси	129,44

***) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

■ Шавкат АКРАМОВ олган сурат

ХДП ХАБАРИ

ФОЙДАЛИ ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДА

2001 йил 17 декабрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Корея Халқ Демократик Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ли Чер Гван қабул қилинди.

Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов меҳмонга мустақил юртимизда Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган ислоҳотлар, ХДПнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштироки тўғрисида сўзлаб берди.

Элчи КХДР ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро фойдали ҳамкорлик ҳақида гапириб, мазкур соҳада янги уфқлар борлигини таъкидлади.

Суҳбатда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби А.Рустамов иштирок этди.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

ХРОНИКА

ЖАНГ ОХИРИГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ

Бирлашган фронт командирлари бин Лодин аллақачон Тора-Борани тарк этган деган фикрда бўлишларига қарамай Пентагон вакиллари террорчининг ҳамон ушбу нуқта атрофида яшириниб юрганлигини айтишмоқда. Пентагон далил сифатида бин Лодиннинг жангарилар билан мулоқоти қисқа радио тўлқинларида ушланганлигини келтиради. Бирлашган фронт командири Хожа Замон эса Тора-Борадаги жангларда 200 га яқин «Ал-Қаида» аъзолари ўлдирилганлиги ва 25 таси асир олинганлигини, бин Лодиннинг бу ерда йўқлигини, бироқ тоғдаги тозалаш ишлари давом этаётганини айтади.

Бин Лодиннинг Покистонга ўтиб кетганлиги ҳақидаги маълумотга ҳам ишониш қийин. Чунки, Тора-Бора билан Покистон ўртасидаги чегарада покистонлик ҳарбийлар уч юздан кўпроқ кузатув нуқталари ўрнатишгани ва лозим бўлса жангга киришга тайёр турганликлари ҳақидаги хабарлар бор. Хусусан, Исломободдаги аксилтеррор ахборот марказининг бошлиғи Кентон Кейснинг фикрича, бин Лодин ҳамон Тора-Борадаги ғорларнинг бирида. Шунингдек, АҚШ мудофаа кучлари генерали Томми Френкс Тора-Бора ҳудуди мутлақо аксилтолибчилар ихтиёрига ўтмас экан жанглар тўхтамаслигини айтиб ўтган. Бу жангда АҚШ махсус гуруҳлари ҳам фаол иштирок этишмоқда. Бирлашган фронт кучлари Тора-Боранинг асосий нуқталари ишғол этилгани ҳақида хабар беришса-да, генералнинг фикрича, ҳамон бу ерда 300 дан мингтагача бўлган жангарилар жон сақлаб турибди. Улар орасида бин Лодиннинг бўлиши эҳтимолга яқин. Бизнинг мақсадимиз, дейди генерал, ерости иншоотларини бевосита текшириб кўриш.

Якшанба куни эса АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфелд Кобулда бўлди ва муваққат ҳукумат раҳбари Ҳамид Қарзий билан музокаралар ўтказган. Шунингдек, Рамсфелднинг Афғонистондаги АҚШ ҳарбийлари билан ҳам учрашув ўтказгани ҳақида маълумотлар бор. Таъкидлаш жоизки, бу Кобулга биринчи бор юксак нуфуздаги давлат вакилининг ташрифи.

АҚШ махсус хизмат вакиллари эса бин Лодиннинг ДНКсини қўлга киритишган. Чунки, террорчининг ўнлаб қиёфадошлари борлиги тахмин қилинмоқда, ДНК эса мабодо террорчи жасади топилгудек бўлса, унинг ҳақиқатда бин Лодинга тегишли эканлигини исботлаб беради, дейилмоқда.

Хуллас, айни пайтда жанговар ҳолат қуйидагича: жангарилар параллел равишда чўзилган ва Покистонга уланиб кетган Агам ҳамда Вазир тоғларида ҳалқага ўраб олинган. Бир томондан аксилтолибчилардан ташкил топган қўшинлар ҳужумга ўтаётган бўлса, иккинчи томондан покистонлик ҳарбийлар чегарада ҳозир туришибди. Ҳаво ва артиллерия зарбалари эса муттасил уюштирилмоқда. Жангнинг шу ҳолатда ушлаб турилиши эртами-кечми қолган жангариларни асирга тушишга мажбур этади, дейишмоқда мутахассислар.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«БИТТА САВДО, БИТТА ҒАВҒО...»

Қашқадарё вилоят «Матлуботсавдо» ҳудудий акциядорлик компанияси бошқаруви томонидан «Ўзбекистон овози» газетасида чоп этилган «Битта савдо, битта ғавғо...» (2001 йил, 25 октябрь) мақоласида баён этилган ҳолатлар кўриб чиқилди.

Деҳқонобод туман савдо очиқ ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Гуллола» савдо дўконида мудир бўлиб ишлаган Зоиров Рашид дўконни ўзи оламан, деб туман савдо очиқ ҳиссадорлик жамияти бошқарувига ариза ёзиб, жамият бошқаруви билан келишмасдан кузатув кенгаши ва акциядорларнинг умумий йиғилиш қарорини олмасдан ўзича дўконни сотиб олиш учун, деб 13.10.2000 йилдан то 12.02.2001 йилгача жамият ҳисоб рақамига 825408 сўмни ўтказган ва савдо дўконидан чиқмасдан келган.

Зоиров Рашид билан Деҳқонобод туман савдо очиқ ҳиссадорлик жамияти ўртасида олди-сотди шартномаси тузилмаган.

Зоиров Рашид савдо дўкони учун 825408 сўм тўлаганлигини пеш қилиб, «Гуллола» савдо дўкони учун олди-сотди шартномаси тузилган, деб ҳисоблашини сўраб судга даъво аризаси берган.

Ғузор туманлараро фуқаролик ишлари бўйича суд шу йил 18 сентябрь куни Зоировнинг даъво аризасини суд мажлисида кўриб чиқиб, даъвогарнинг талабини қаноатлантириб, Деҳқонобод туман савдо очиқ ҳиссадорлик жамияти билан Зоиров Рашид ўртасида 1-сонли «Гуллола» савдо дўкони олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб топган ва шартномага асосан «Гуллола» савдо дўкони 825408 сўмга сотилган, деб ҳисоблаб ҳал қилув қарори берган.

«Гуллола» савдо дўкони аслида универмаг бўлиб, унинг баҳоси давлат ҳужжатларига кўра 3234973 сўм эканлиги аниқланган.

Суднинг ҳал қилув қаридан норози бўлган Деҳқонобод туман савдо очиқ ҳиссадорлик жамияти бошқаруви аппеляция шикояти киритган ва шикоятда суд чиқарган ҳал қилув қарори қонун талабига зид бўлганлигини, суд низони атроф-лича объектив равишда кўрмасдан бир томонлама ҳал қилув қарори чиқарганлигини билдириб, Ғузор туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судининг 2001 йил 18 сентябрдаги ҳал қилув қарорини бекор қилишни сўраган.

Бундан ташқари вилоят прокурори Ғузор туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судининг 18 сентябрь 2001 йилдаги ҳал қилув қарорини бекор қилиб, келтирилган аппеляция шикоятини қаноатлантиришни сўраб протест келтирган.

02.11.2001 йилда Қашқадарё вилоят фуқаролик ишлари бўйича суди ушбу аппеляция шикоятини кўриб чиқиб, «Гуллола» савдо дўкони аслида универмаг бўлгани, унинг баҳоси давлат кадастрининг хулосасига кўра 3234978 сўм эканлиги ва вилоят ҳокимлигининг 06.01.2001 йилдаги қарорида савдо дўконларини кимошди савдоси орқали сотиб, хусусийлаштиришлиги кўрсатилганлиги учун Ғузор туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судининг Зоиров Рашид даъвоси юзасидан 18.09.2001 йилдаги жавобгар Деҳқонобод туман савдо очиқ ҳиссадорлик жамиятига нисбатан «Гуллола» савдо дўконининг олди-сотди шартномасини ҳақиқий, деб топиш ҳақидаги ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисида ажрим чиқарган ва қуйидаги тартибда янгитдан ҳал қилув қарори эълон қилган.

Ушбу ҳал қилув қарорида даъвогар Зоиров Рашиднинг Деҳқонобод туман савдо очиқ ҳиссадорлик жамиятига нисбатан «Гуллола» савдо дўконининг олди-сотди шартномасини ҳақиқий, деб топиш ҳақидаги даъвоси рад этилган.

«Гуллола» савдо дўконини қонун талаби доирасида сотиш масаласини ҳал қилиш Деҳқонобод туман савдо очиқ ҳиссадорлик жамияти бошқарувига юклатилган.

Вилоят фуқаролик ишлари бўйича судининг мазкур ажримига асосан «Гуллола» савдо дўконини кимошди савдоси орқали сотиш масаласи кўрилмоқда.

■ **Қашқадарё вилоят «Матлуботсавдо» ҳудудий акциядорлик компанияси бошқаруви раиси У.ҚУРБОНОВ**

ХДП Андижон шаҳар кенгаши, Андижон давлат университетида «Демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг конституциявий асослари» мавзуида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9 йиллигига бағишланган илмий-амалий конференция ўтказди.

Мазкур кенгаш томонидан ушбу санага бағишланган «давра суҳбатлари» Мирпўстин, Саноат, Чўлпон, Ҳурсанлик маҳалла фуқаролар йиғинларида, «Гулистон» жамоа хўжалигида, тиббиёт коллежи ва қатор ўқув олийгоҳларида уюштирилди.

✧✧✧

ХДП Сергели туман кенгаши, 243-авиация таъмирлаш заводи маъмурияти билан ҳамкорликда, «Конституция — демократик давлат асоси» мавзуида ўтказган мулоқотда Тошкент юридик институти етакчи мутахассислари А.Раҳмонов, К.Кан, У.Мадиёровлар сўзга чиқдилар. Тадбир давомида корхона бадиий ҳаваскорлар гуруҳи истиқлол, юрт тинчлиги, бахтимиз ҳуқуқий кафолатига оид мусиқий дам олиш дастури билан қатнашди.

Шунингдек, ХДП Сергели туман кенгашида ҳам ушбу санага бағишланган байрам йиғилиши бўлиб ўтди.

✧✧✧

Партия Қўрғонтепа туман кенгаши Султонобод ширкат хўжалиги, агроиқтисодиёт, енгил саноат коллежлари, дон маҳсулотлари ҳиссадорлик жамияти ва қатор маҳалла фуқаролар йиғинларида Конституция кунига бағишланган байрам йиғилишларини уюштирди.

Бундай тадбирлар ХДП Хўжаобод, Улуғнор, Шаҳрихон, Жалақудуқ, Олтинкўл, Андижон, Асака, Боғдод, Тахтакўпир, Уйчи, Норин, Тўрақўрғон ва Учқўрғон туман кенгашлари томонидан ҳам ўтказилди.

✧✧✧

ХДП Чортоқ туман кенгашида, «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мустақиллик самараси» мавзуида, бошланғич партия ташкилотлари котиблари, ташкилотлар раҳбарлари, жамоаларнинг маънавият ишлари билан шуғулланувчи мутасаддилари, ўқув муассасалари директорлари иштирокида, илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

✧✧✧

ХДП Қамаши туман кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этишда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиб, меҳнат жамоаларида учрашувлар, йиғилишлар ташкил қилмоқда. Партия фаоллари, ҳуқуқшунос олимлар, давлат идоралари вакилларидан иборат тарғибот-ташвиқот гуруҳи Саноат коллежида бўлиб, ёшларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш масаласига қаратилган йиғилиш ўтказди. Мазкур тадбирда мамлакатимиз Конституциясининг аҳамияти, терроризмга қарши кураш, вояга етмаган ёшлар ўртасида гиёҳвандлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш тўғрисида ХДП Қамаши туман кенгаши биринчи котиби Ш.Бердиев, туман «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари Л.Саодатова, туман прокурори ўринбосари Б.Шералиев, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими раиси муовини Э.Турсоатовлар сўзга чиқдилар.

✧✧✧

Ўзбекистон ХДП Юнусобод туман кенгаши, «Нуроний» пансионати ва 21-Меҳрибонлик уйида Конституция кунига бағишланган маданий-маърифий тадбирларни уюштиришди.

ХДП ХАБАРЛАРИ

ШУ КУНЛАРДА

Уларни юксак савияда ташкил қилишда «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмасининг «Лазги» ансамбли яқиндан ёрдам берди.

✧✧✧

Ўзбекистон ХДП Балиқчи туман кенгашининг бошланғич партия ташкилотлари котиблари билан ўтказган йиғилиши Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойишини бажаришда иштирок этиш ва партия марказий нашрларига 2002 йилга обунанинг ташкил этиш масалаларига бағишланди.

✧✧✧

«Ўзбекистон Конституцияси ва ҳуқуқ маданияти» мавзуидаги мулоқот ХДП Юнусобод туман кенгаши томонидан Темурийлар тарихи Давлат музейида, туман «Маънавият ва маърифат» ҳамда «Ҳуқуқий маърифат тарғиботи» марказлари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Йиғилишда Тошкент давлат юридик институтининг кафедра мудири, профессор, юридик фанлар доктори З.Исломов, Темурийлар тарихи Давлат музейи бўлим мудири О.Бўриев ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

✧✧✧

ХДП Қўқон шаҳар кенгаши ҳузуридаги «Сиёсат« клубининг навбатдаги йиғилиши «Конституция — аёллар ҳуқуқининг кафолати» мавзуида ўтди. Мулоқотда ҳуқуқий ёрдам ва ахборот маркази ходимлари иштирок этдилар. Машғулотда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик жамият қуриш, аёлларнинг жамиятдаги ўрни борасидаги масалаларга алоҳида эътибор берилди.

✧✧✧

ХДП Фарғона шаҳар кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Асосий Қонунининг 9 йиллигига бағишланган, «Халқимиз муштараклигининг кафили» мавзуидаги, партия фаоллари йиғилишини ўтказди.

✧✧✧

ХДП Чуст туман кенгаши туман хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этган тадбир аёллар ўртасида ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш мавзуига бағишланди. Бу йўналишда маърифат ишларини кучайтириш, оналик ва болаликни ҳимоя этиш, оила муаммолари ва уларнинг ечимини топиш каби масалалар кўрилди.

✧✧✧

ХДП Улуғнор туман кенгаши тумандаги 21-мактаб ёшлари ўртасида «Биз Ўзбекистон фарзандларимиз» мавзуида учрашув ўтказди. Унда ХДП Улуғнор туман партия кенгашининг биринчи котиби Ж.Исмоилов ХДПнинг ёшларга оид сиёсати ва амалий ишлари тўғрисида батафсил сўзлади.

✧✧✧

Жондор туман партия кенгаши, Саноат касб-ҳунар коллежи талабалари ўртасида Конституция кунига бағишланган кеча ўтказишга бош-қош бўлди. Тадбирда ХДП Жондор туман кенгаши котиби Д.Рустамов, коллеж директори У.Рўзиев сўзга чиқдилар.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

АКАДЕМИК РАҲИМАХОН АМИНОВА

Ўзбекистон фани оғир жудоликка учради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, Абу Райҳон Беруний номидаги Давлат мукофоти сохибаси, тарих фанлари доктори, профессор, фанимизнинг таниқли намояндаси Раҳимахон Ҳодиевна Аминова 76 ёшида вафот этди.

Қўқон шаҳрида ўқитувчи оиласида дунёга келган Р.Ҳ.Аминова Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг шарқ факультетини тамомлагач, ўзининг бутун ҳаётини Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тарих институти билан боғлайди. Олтмиш йиллик илмий фаолияти давомида у тарих фани ривожига унутилмас ҳисса қўшди.

Раҳимахон Аминова 38 ёшида ўзбек аёллари орасида биринчи бўлиб тарих фанидан докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Ўзбекистоннинг ХХ асрга доир тарихини тадқиқ этишга ўзининг муносиб улушини қўшган олима қатор китоб ва рисолалар яратиб, Шарқ аёлларининг ўтмиши, бугунги куни, ижтимоий ҳаётда тутган ўрни билан боғлиқ ўткир ижтимоий масалаларни илк бор илмий нуқтаи назардан чуқур тадқиқ этди.

Академик Р.Ҳ.Аминова АҚШ, Россия, Германия, Мексика, Швеция, Италия каби кўпдан-кўп мамлакатларда бўлиб ўтган халқаро симпозиум ва конференцияларда ўз илмий маърузалари билан иштирок этиб, тарихимизни жаҳонга танитишга муносиб ҳисса қўшган. Унинг асарлари инглиз, рус, француз, араб ва бошқа хорижий тилларга таржима этилган.

Бутун ҳаётини фанимиз равнақига бағишлаган Раҳимахон Аминова дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратишда, юксак малакали ёш мутахассисларни тарбиялаб вояга етказишда, айниқса, вилоятлардаги олий ўқув юртлари учун салоҳиятли тарихчи олимлар етиштириб беришда доимо фидойилик кўрсатиб келди. Бевосита унинг раҳбарлигида 15 та фан доктори ва 56 та фан номзоди ўз диссертация ишларини ҳимоя қилган.

Академик Раҳимахон Аминова кейинги даврдаги бутун фаолиятини янги тарихимизга оид тадқиқотлар яратишга бағишлади ва ёш авлодни истиқлол руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган кўплаб илмий мақолалар, асарлар яратди.

Мехрибон устоз, заҳматкаш олима Раҳимахон Аминованинг бой илмий мероси, унинг ёрқин хотираси халқимиз қалбида абадий сақланиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси,
Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси,
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

ХАТЛАР ХАТЛАР ХАТЛАР

«ҚИШДА СОВУҚ, ЁЗДА СУВ ЙЎҚ»

Ассалому алайкум ҳурматли «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти ходимлари! Биз Собир Раҳимов тумани Қора-қамиш 2/4 мавзесидаги «Табассум» ширкат хўжалигига қатнайвериб чарчадик. 32-уй қурилганига 30 йилдан ошган бўлса ҳамки, жони «қаттиқ» экан, шиферлари гарчи майда-майда бўлган бўлса-да, туриб бераяпти, уёғини олиб бу ёғига ямаб турибмиз. Ёзда совуқ сув йўқлигидан хуноб бўлсак, қишда уйларимиз яхши исимаслигидан озор чекамиз. Ертўлага тушиб булмайди — трубалар чириб, аллақачон алмаштирилиши керак эди. Чивинлар эса ёзда уйқу бермаганлиги етмагандек, кўз қилиб совуқ тушгунча подъездларимиздан кетгилари келмайди, чунки уларнинг яшаши учун қулай шароитлар яратилган-да. Биринчи қаватда яшовчилар канализация қувурларидан чиқиб. турғувчи бадбўй ҳидлардан-у, деворлардан тепага интилаётган зах — қора доғлардан нолишади.

Ширкат хўжалиги бошлиғи, яқинда ишга келган Ғуломова Шафоат Адҳамовнани жойидан топиш қийин. Бош инженер Бадалхўжаев Фахриддин эса маблағ йўқ, деб елка қисишдан уёғига ўтмайди. Шикоят дафтарига ёзамиз, чиланғарлар келишади, у ёқ-бу ёғига тегингандай бўлишади-ю, бориб дафтарга «тузатдим» деб ёзиб қўяверишади. Аҳвол эса ўша-ўша. Подъезд эшиклари ёпилмайди, ички деворлар ремонтталаб, зах босиб ётибди. Бизнинг дардимизни тинглайдиган борми? Ахир биз коммунал хизмати учун пул тўлаб бораяпмиз-ку.

32-уй аҳли номидан СОБИРОВ О., ҲАСАНОВА Ш.



Фарғонадаги «Кварц» акциядорлик жамиятида айни пайтда 37 хилдаги ойна маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Корхона маҳсулотларига қўшни давлатларда, жумладан, Россия, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистонда ҳам талаб катта.

Маҳсулотлар жаҳон стандартлари даражасидалигидан шу йил Францияда бўлиб ўтган анжуманда корхонага Халқаро сифат сертификати берилди. Яқинда Италиянинг «Текинт» фирмаси ҳамда «ЎзДЭУ» қўшма корхонаси билан автомобиль ойнаси ва замонавий биноларга мўлжалланган ойна буюмлари ишлаб чиқариш мақсадида асбоб-ускуналар келтириш ва мавжуд цехларни тўлиқ модернизация қилиш юзасидан битим имзоланди.

✧✧✧

Суратларда:
корхона шиша идиш цехи ишчилари (ўнгдан) Х. Тоҳирова, К. Қирғизбоева ва мастер А. Назирдиновлар.

ОЧИҚ ГАПЛАР

КАРТОШКА, ПИЁЗ— КЎПАЙГАНИ СОЗ!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини енгиллаштириш тўғрисида»ги қарори юзасидан катта ишлар амалга оширилмоқда. Сув тақчиллигидан республиканинг шимолий ҳудудидаги туманларда деярли деҳқончилик бўлмади. Қиш эса бошланди. Қор-ёмғирлар бўлаяпти. Бўронли кунлар яқин. Хўш, шаҳар ва овул аҳолисини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, айниқса, картошка, пиёз билан таъминлаш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Муратбой Муханов — Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг уруғчилик ва экинларни навлар бўйича жойлаштириш бўлими бошлиғи:

— Картошка, пиёз озиқ-овқатнинг асосий таркибини ташкил этади. Қурғоқчиликнинг давом этиши қишлоқ хўжалигига салбий таъсирини ўтказди. Кўпчилик хўжаликларда картошка, пиёз жуда кам бўлди. Республика бўйича 304 гектар майдонга картошка экиб, унинг ҳар гектаридан 80 центнердан ҳосил кўтариб 2 минг 432 тонна картошка, 562 гектар майдонга пиёз экиб, гектаридан 107 центнердан ҳосил етиштириб, 6 минг 15 тонна пиёз олиш режалаштирилган эди. Афсуски, белгиланган режалар бажарилмасдан қолди.

Амалда эса 34 гектар майдонга картошка экилиб, гектаридан салкам 15 центнердан ҳосил олинди. 182 гектар майдонга пиёз экилиб, паст даражада ҳосил етиштирилмади. Оқибатда шимолий туманлар аҳли картошка, пиёз ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан қийналиб қолишяпти. Зеро, узлуксиз таъминотда барча имкониятлардан самарали фойдаланилмоқда.

Бунинг учун 3170 якка деҳқон, 150 деҳқон-фермер, 80 жамоа-ширкат хўжаликлари, шунингдек, қўшни вилоятлардан келган деҳқон, фермер, тадбиркорлар билан тирилди. Шуманай, Қонликўл, Чимбой, Қораўзак, Тахтакўпир, Мўйноқ, Бўзотов туманларида эса картошка экилгани йўқ. Шуманай, Қонликўл, Қўнғирот, Хўжайли, Кегайли, Қораўзак туманларида мўлжалдаги 20-37 гектар ўрнига 0,8-2 гектар майдонга пиёз экилди, холос.

Режада белгиланган майдонларга картошка, пиёзнинг экилмай қолганлигининг асосий сабабларидан бири кейинги йилларда хўжаликларнинг молиявий аҳволи қийинлашиб қолганида. Уруғ билан таъминлаш уруғлик келтириш имконияти бўлмай қолди. Шунга қарамай келаси йили 300 га. ерга картошка экишни мўлжаллаяпмиз.

Ҳамид Файзуллаев — Қорақалпоғистон Республикаси «Қорақалпақтутинув» акциядорлик компанияси бошқармаси раиси:

— Кейинги йилларда табиий қийинчиликлар туфайли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етарли даражада етиштирилмади. Шуманай туманлар аҳли картошка, пиёз ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан қийналиб қолишяпти. Зеро, узлуксиз таъминотда барча имкониятлардан самарали фойдаланилмоқда.

Бунинг учун 3170 якка деҳқон, 150 деҳқон-фермер, 80 жамоа-ширкат хўжаликлари, шунингдек, қўшни вилоятлардан келган деҳқон, фермер, тадбиркорлар билан мол алмашиш, нақд пул бериш йўли билан 32 минг тонна қишлоқ хўжалик маҳсулоти тайёрлашга шартнома тузганмиз. Сурхондарё тайёрлаш савдо базаси билан Тўрткўл савдо базаси 500 тонна картошка, шунча тонна пиёз, «Сурхонплодовошвинпром» билан Қўнғирот агросаноат мажмуаси 140 тонна картошка, Сирдарё тумани тайёрлов ҳиссадорлик жамияти савдо корхонаси билан 60 тонна картошка, 20 тонна пиёз, 20 тонна карам, Поп савдо корхонаси билан «Тўрткўлтутинув» 60 тонна картошка, 150 тонна пиёз ўзаро шартнома бўйича олиб келиниб, овул дўконларида сотилмоқда. Кейинги 2 ойда 382 тонна картошка, 620 тонна пиёз тайёрланди.

Ҳиссадорлик жамиятларига хизмат қиладиган Манғит, Оқмангит туманлари, «Пахтабанк» бўлими, Тўрткўл, Қўнғирот туманлари миллий банк бўлими, Нукус Савдогар банки кўмагида пул ўтказиш ёки нақд пул орқали қишлоқ хўжалик маҳсулотлари олиб келинаяпти ва сотилаяпти.

Бироқ шунга қарамасдан Бўзотов, Тахтакўпир, Шуманай туманлари «Пахтабанк» бўлимлари эса пул ўтказиш ёки нақд пул олиб маҳсулотлар тайёрлашда амалий ёрдам кўрсатмаяптилар.

Бахтиёр Жуманазаров — Қорақалпоғистон Республикаси «Деҳқонбозори» ҳиссадорлик уюшмаси бошқарув раиси ўринбосари:

— Шаҳар ва туманлардаги 18 та деҳқон бозорида аҳолига савдо хизмати кўрсатилмоқда. Шу кунга келиб тайёрлаб сотиш корхоналари шартнома бўйича 38,2 тонна картошка, 83,5 тонна сабзавот, 23,3 тонна гўшт, 14,3 тонна дон маҳсулотлари, 17,7 тонна полиз маҳсулотлари, жами 31,6 миллион сўмлик маҳсулот сотилди.

Маҳмуд Асаматдинов — «Жайхун» улгуржи савдо бозори ҳиссадорлик жамияти раиси:

— «Жайхун» улгуржи бозори 1998 йилнинг октябрь ойида ташкил қилинган. Ўтган уч йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш ва тайёрланган маҳсулотларни сотиш бўйича бироз тажриба орттирдик. Картошка, пиёз ва бошқа маҳсулотлар келтириб сотиш анча кўпайди. Бизга кўпроқ Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё ва бешта қўшни вилоятлардан картошка, пиёз келтирилади. Уларга барча имкониятлар яратиб бермоқдамиз.

Бозор иқтисодиёти шароитида рақобат бўлади. Рақобат бор жойда ўсиш ҳам, ривожланиш ҳам бўлади. Жамиятимиз маҳсулотларнинг сифати ва тозалигига алоҳида эътибор беради.

61,4 тонна картошка, 47,3 тонна пиёз, 49 тонна сабзавот, 15,5 тонна мева ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрладик ва сотдик. Қишга 15 тонна картошка, 25 тонна пиёз тайёрланган. Бу жуда кам. Картошка, пиёз ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаш имкониятларини ишга соламиз...

Тўғри, сув — тириклик манбаи. Бу йил хўжаликлар бўйича режалаштирилган 190 гектардан 13 гектарига картошка экилди, холос. Бунинг устига кам ҳосил олинди.

Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Қорақалпоқмевасабзавот» бирлашмаси, республика деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ва бошқа бир қатор деҳқончилик билан шуғулланадиган ташкилотлар наҳотки аҳолини арзон картошка, пиёз билан таъминлаш ҳақида қайғурмасалар?! Картошка, пиёзнинг нархлари эса осмонда.

Хўп, шимолий туманларда сув бўлмади, дейлик. Республиканинг жануби Тўрткўл, Беруний, Элликқалъа, Амударё туманлари хўжаликларида озми-кўпми сув бўлдику. Бироқ картошка, пиёз ҳақида ўйланмади.

Ана шу туманларда юзлаб гектар ерларда картошка, пиёз экиш режалаштирилганида халқимиз бунча қийналиб қолмасди.

Картошка, пиёзни кўпайтириш учун жанубий туманларда картошкачиликка ихтисослаштирилган хўжаликлар, бўлимлар, агроучасткалар ташкил қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди.

■ **Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

XORIJDA

ЖАНГАРИЛАР УЧУН ЛАГЕРЬ

Қандаҳордаги аэропортда «Ал-Қаида» гуруҳи аъзолари ва террорчи бин Лодин томонида курашаётган жангарларни асирда ушлашга мўлжалланган лагерь қурилиши бошланган. Лагерь қурилиши билан АҚШ денгиз пиёдалари шуғулланишмоқда ва у 1000 кишига мўлжалланган.

МУРОЖААТ БИЛАН ЧИҚДИ

Якшанба куни Фалластин раҳбари Ёсир Арофат телевидение орқали фалластинликларга мурожаат билан чиққан. Унда Арофат фалластинликларни Исроилга нисбатан қуролли ҳужум, теракт уюштириш каби ҳолатларга барҳам беришга чақирган. Шунингдек, Арофат Исроилни, хусусан, бош вазир Ариэл Шаронни фалластинликларга нисбатан шафқатсиз уруш очишни бошлаганликда ҳам айблаган. Арофат муаммони бартараф этишнинг ягона йўли музокаралар ўтказиш эканлигини таъкидлаган.

Фалластин етакчисининг миллий телевидение орқали мурожаати бир нечта Европа давлатлари томонидан муносиб баҳоланди. Шунингдек, Исроил ҳам зудлик билан бу мурожаатга ўз муносабатини билдирган ва «Арофатнинг сўзлари реал ҳаракатлар билан исботланиши умидидалигини» билдирган.

МАРСДА... СУВ

Марс орбитасида ҳаракатланаётган АҚШнинг «Одиссей» сайёраларо станцияси Марс сатҳида водород «чўкиндиси»ни топганлиги ҳақидаги шов-шувли хабарлар тарқалди. Эҳтимол, бу топилма Марс сатҳида катта миқдордаги сувмуз заҳираси борлигини исбот этар, дея хабар беради ИТАР-ТАСС.

«Одиссей» шу йилнинг апрелида учирилган бўлиб, унга 300 миллион доллар сарфланган. Бу станциянинг асосий мақсади Марс сатҳининг харитасини тузиш, сайёрадаги сув заҳирасини ва радиацион нурланишлар даражасини аниқлашдир.

ЧЕГАРАЛАР АНИҚЛАНДИ

Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев ва Қирғизистон Президенти Асқар Акаев давлат чегаралари ҳақидаги битимни имзолашди. Томонлар ушбу битимнинг муҳим аҳамиятини таъкидлаб ўтишди. Мамлакатлар тарихида биринчи марта давлат чегаралари белгиланган ва аниқлаб олинган.

ТЕРРОР ХАВФИ МАВЖУД

Чет эл махфий хизматлари Германия полициясини яқин кунларда мамлакатда уюштирилиши мумкин бўлган террордан огоҳлантиришди. FOCUS журналининг ёзишича, ҳужумни 3 та кучли террорчи гуруҳлар амалга ошириши мумкин. Фожиа объекти сифатида эса жамоат транспорти кўрсатилган. Журналнинг таъкидлашича, 11 сентябрь куни АҚШда амалга оширилган теракт иштирокчиларининг айримлари Гамбургда ўқишган. Германия расмий вакилларининг сўзларига кўра эса, бундай маълумотларни тегишли текширувларсиз жамоатчиликка тақдим этиб бўлмайди.

ЮГОСЛАВИЯ ТАҚДИРИ

Бельградда Югославиянинг кейинги тақдирини белгилашга бағишланган учрашув бўлиб ўтмоқда. Унда Югославия президенти Каштуница, Сербия бош вазири Зорана Жинжич ва Черногория Президенти Мило Жуканович, шунингдек, Европа Иттифоқининг ташқи сиёсат вакили Хавьер Солана иштирок этмоқда. Маълумотларга кўра, ушбу музокара якуний хулосаларга келмайди. Чунки, мавжуд муаммоларни ечиш учун узоқ вақт зарур бўлади.

«ОҚ ОЛТИН» ТЕЛЕВИЗИОН ПУЛ-БУЮМ ЛОТТОСИНИНГ 2001 ЙИЛ 15 ДЕКАБРДАГИ 2-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ЖАДВАЛИ

1 ТУР
210887 «ELITA» салонининг 250 000 сўмлик тилла буюмлари
183907 290983 269094 146404 16235 152620 283632 52086 127084 192997 253053 17962 66940 125633 181965 230409 282940 18039 46259 72790 100458 125172 153302 178569 206234 234623 260426 287504 4069 15374 25150 37587 48652 59598 69265 80285 91178 103411 115363 126457 137646 152568 167481 182516 195995 211628 224805 238324 250066 263815 278398 291576
«ELITA» салонининг 250 000 сўмлик тилла буюмлари
2 ТУР
291516 «NEXIA» автомобили, 11 350 000 сўм
16 ТУР
21 ТУР
23 ТУР
24 ТУР
25 ТУР

«ОҚ ОЛТИН» ТЕЛЕВИЗИОН ПУЛ-БУЮМ ЛОТТОСИНИНГ 2-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

1 тур - 39 ,18 ,14 ,17 ,27 ,15 ,61 ,84 ,1
2 тур - 10 ,41 ,45 ,90 ,66 ,11 ,20 ,50 ,34 ,30
3 тур - 81 ,65 ,87 ,4 ,38 ,46 ,52 ,60 ,56 ,80 ,78 ,26 ,13
4 тур - 75 ,76 ,28 ,47 ,77 ,57 ,82 ,5 ,37 ,43 ,51 ,53 ,63
5 тур - 33 ,8 ,42 ,3 ,19 ,74 ,86 ,16
6 тур - 21 ,29 ,54 ,35 ,79 ,9 ,40 ,70 ,48
7 тур - 25 ,67 ,31
8 тур - 85 ,88
9 тур - 58
10 тур - 22
11 тур - 69
12 тур - 44
13 тур - 72
14 тур - 64
15 тур - 59
16 тур - 7
17 тур - 6
18 тур - 62
19 тур - 24
20 тур - 49
21 тур - 83
22 тур - 89
23 тур - 2
24 тур - 73
25 тур - 68

Сони 1: Чипта рақами 210887 «ELITA» салонининг 250 000 сўмлик тилла буюмлари
Сони 1: Чипта рақами 291516 500 000 сўмлик тилла буюмлар
Сони 1: Чипта рақами 287300 750 000 сўмлик тилла буюмлар
Сони 1: Чипта рақами 293115 1 000 000 сўмлик тилла буюмлар
Сони 1: Чипта рақами 293506 «MATIZ» автомобили, 9 500 000 сўм
Сони 1: Чипта рақами 286310 «NEXIA» автомобили, 11 350 000 сўм
Сони 2: Чипталар рақами 257185, 31745 Сумма 15000 сўм
Сони 1: Чипта рақами 121421 Сумма 13000 сўм
Сони 3: Чипталар рақами 203486, 210861, 297587 Сумма 12000 сўм
Сони 4: Чипталар рақами 228, 143298, 156458, 246046 Сумма 11000 сўм
Сони 16: Сумма 10000 сўм
Сони 12: Сумма 9000 сўм
Сони 30: Сумма 8000 сўм
Сони 39: Сумма 7000 сўм
Сони 86: Сумма 6000 сўм
Сони 435: Сумма 5000 сўм
Сони 232: Сумма 4000 сўм
Сони 398: Сумма 3000 сўм
Сони 529: Сумма 2000 сўм
Сони 864: Сумма 1000 сўм
Сони 497: Сумма 900 сўм
Сони 2159: Сумма 800 сўм
Сони 5199: Сумма 700 сўм
Сони 5499: Сумма 600 сўм
Сони 0581: Сумма 500 сўм

Халтадан чиқмаган шарлар: 12,23,32,36,55,71

24 ТУР Шар рақами: 73 Сони: 5499 Сумма: 600 сўм

25 ТУР Шар рақами: 68 Сони: 10581 Сумма: 500 сўм

ИНТЕР-СПОРТ

ҲАКАМГА НОРОЗИЛИК БИЛДИРИБ

Жаҳон бокс юлдузлари ўртасида ўтказилган шиддатли жанг мухлисларда катта қизиқиш уйғотди. Халқаро бокс ассоциацияси уюштирган бу учрашувда Джон Руиз билан Эвандер Холифилд ўзаро рўбаро келишди. Маълумки, Руиз бу баҳсда жаҳон чемпиони унвонини сақлаб қолиши керак эди. 12 раундли олишувда ғолибни аниқлаш



қийин бўлиб, дуранг ҳисоби қайд этилди. Аммо боксчилар ҳакамнинг бу хулосасига норозилик билдирдилар: «Назаримда бу баҳсни ўз фойдамга ҳал қилгандай эдим, — дейди Холифилд. — Ҳакамлардан эса ҳар нарсани кутсанг бўлади. Бошим, бутун баҳс мобайнида мен ўзимни ниҳоятда эркин ва тетик ҳис этдим, ғалаба учун бор кучимни бердим». «Сирасини айтсам, ҳакамнинг баҳосидан кўнглим тўлмади, — дейди Руиз. — Чунки нокаутли зарба беришимга бир баҳя қолдиёв. Ҳакам эса менга ютуқни лозим топмади».

Шундай қилиб бу учрашувда Холифилд 2 миллион долларлик бўлди. У профессионал бокс саргузаштлари мобайнида 37 та жанг ўтказиб, шундан 25 тасини нокаутли ғалаба билан якунлаб, 5 тасини бой берган, 2 таси дуранг бўлган. Руизнинг ютуқлари ҳам чакки эмас. Унга 3,2 миллион доллар бериладиган бўлди. У ҳам 37 та жанг ўтказиб, 27 марта нокаут қилган, 4 та мағлубият ва 1 «жанг»да дурангга эришган.

ХИТОЙЛИК ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Хитойлик Чжу Чень шахмат бўйича жаҳон чемпионатининг ҳал қилувчи учрашувида россиялик Александра Костенюкдан устун

келиб, жаҳон чемпиони бўлди. Аслида учрашувнинг дастлабки тўрт партияси 2:2 ҳисобида дуранг бўлган эди. Шундан кейин томонлар чегараланган вақт назорати остида ўйинни давом эттиришди. Дастлабки партияда оқ доналар сурган хитойлик шахматчи қиз ютуққа эришган бўлса, иккинчисида Александранинг қўли баланд келди. Якунловчи икки турда эса Чжу Чень ютиб, ўзига хос тайбрейк ҳисобини 3:1 га етказди.

ПЕШҚАДАМЛИКНИ БОЙ БЕРДИ

Испания футбол чемпионатида 17-тур ўйинлари бўлди. Бунда пешқадам «Алавес» ўз майдонида «Севилье» футболчиларига имкониятни (0:1) бой берди. Бу мағлубиятдан кейин «Алавес» 3-ўринга тушди. Учрашув ниҳоятда қизиқарли кечди. 84-дақиқада Каскеро ўзини кўрсатди. Шу ўринда танаффусдан кейин майдон эгаларидан Теллесни чиқариб юборилиши билан жамоа 10 нафар бўлиб ўйнашга мажбур бўлганлигини таъкидлаш жоиз. Жамоанинг ютқазиши Мадриднинг «Реал» футболчиларини биринчи ўринга кўтарилишига имкон берди. Иккинчи ўринни эса «Бетис» футболчилари эгаллаб туришибди.

ЭҲТИРОМ

ЯШАШ МАЪНОСИ

Умр дарёга ўхшайди. Ҳа, у шундай ўтадики, кимдир оқар дарё деса, бошқаси шамолга қиёс қилади. Дарҳақиқат, бу кўҳна дунёнинг поёнсизлигини ўйласанг, инсон умри лаҳзадек туюлади. Лекин доимий курашдан иборат бўлган бу ҳаётда одам умридан ширин, инсон камолотидан буюк ва лаззатли ҳодиса йўқ.

Донишманд кексаларимиз хайрли ишга кўл урган кишиларни ҳар доим «Умрингдан барака топ» деб дуо қиладилар. Умрнинг мазмуни ва баракаси эса ўз халқи, Ватанига қилган эзгу ва савоб ишлари билан ўлчанади. Бугунги кунда ўз касбини ҳалол адо этиб, ҳаёт китобини чуқур маъно-мазмун билан тўлдираётган юртдошларимиз кўп. Бутун ҳаётини ёш авлод тарбиясига, навқирон ўғил-қизларимиз камолига бахш этган Зокир Йўлдошев ҳам ана шундай инсонлар сирасидандир.

Яшашнинг маъносини, вақтнинг қадрини, кўпчиликнинг бахти учун курашиб яшаётган одамларни ҳар қанча эъзозласанг, мақтасанг арзийди-да. У кишини ўттиз беш йилдан бери биламан. Дарахт бир жойда кўкаради деганларидек, битта олий ўқув юртида меҳнат фаолиятимизни ўтказдик. Ишда ҳар куни бирга бўлсак-да, у кишини қачон ва қаерда кўрмай, нимагадир бир зум бўлса-да, суҳбатини эшитгим келади.

Ҳайронман, балки бу Зокир акани таниган ва бирга ишлаётганлар у кишини ташаббускор ва ишбилармонлиги, меҳрибон ва меҳнатсеварлиги ҳақида оғизларидан бол томиб гапирганлари учундир?! Агарда жамоамизда педагог-мураббий-устоз тўғрисида гап борадиган бўлса, албатта, Зокир ака рўйхат бошида бўлади. Чунки Зокир ака 40 йиллик педагогик фаолиятини ёшларга билим бериш, ўқув жараёнининг сир-синоатини эринмасдан ўргатишга бағишлаган.

Зокир ака 1941 йилда Тошкент вилоятининг Паркент шаҳрида туғилган. Меҳнат фаолиятини Тошкент механика заводида токарликдан бошлади. 1972 йилда номзодлик диссертациясини ёқлади. 1991 йилда эса Москва иқтисодиёт академиясида профессорлик илмий унвонига сазовор бўлди. Унинг меҳнатсеварлиги, ишга садоқати, ўз устида тинмай ишлаши тезда кечки факультет деканининг муовини (1973-1976), институт тайёрлов бўлимининг мудири ва кечки, сиртқи факультетлар декани (1977-1987), 1988 йилдан бошлаб институт ректорининг кечки ва сиртқи бўлимлари бўйича муовини, 1991 йилда ТДИУда ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ректорнинг биринчи муовини ва 1996 йилдан эса Тошкент молия институти ректорининг ўқув-услубий ишлар бўйича муовини даражаларига кўтарилишига сабаб бўлди.

Зокир Йўлдошевнинг бевосита иштироки ва раҳбарлигида молия-кредит соҳаси бўйича кадрлар тайёрлашни янги классификатори, 7 хил йўналиш бўйича давлат таълим стандартлари, намунавий ўқув режалари ва 120 дан ортиқ фан дастурлари ишлаб чиқилди. Дарслик ва ўқув қўлланмаларининг янги авлоди яратиляпти. ТМИда ўқитиладиган барча фанлар бўйича маъруза матнлари ва уларнинг электрон версиялари республикада биринчи бўлиб яратилди. Улар Олий таълим вазирлигининг ҳайъат қарорига асосан бошқа олий ўқув юртларига тажриба сифатида тарқатилди. Зокир аканинг ТМИда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида олий ўқув юртлари учун таълимнинг давлат стандартларини ишлаб чиқиш бўйича мутасадди мутахассис сифатида қилаётган ишлари миллий педагогикамиз тараққиётига қўшаётган ўзига хос ҳиссадирки, унинг салмоғи вақт ўтган сари билиниб бораверади.

Парвозга интилган қуш, албатта, учажак. Зокир аканинг парвози унинг муаллифлигида чоп этилган ўқув қўлланмалари ва дарсликлари, шогирдлари ва солиҳ фарзандларидир.

Шу пайтгача у 165 босма табоқдан ошиқроқ 97 номда илмий, услубий ишларни чоп этган. Унинг муаллифлигида олтита дарслик ва ўқув қўлланмалар нашр қилинган. Зокир Йўлдошев республикада биринчи бўлиб ўзбек тилида «Иқтисодий ва социал ривожланишни режалаштириш», «Макроиқтисодиёт асослари» фанларидан ўқув қўлланмаларни яратган олимдир. Улар Олий таълим вазирлиги томонидан республика олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик ва ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган. З. Йўлдошевнинг раҳбарлиги остида 5 фан номзоди тайёрланган.

Оила қуриш, фаровон турмуш яратиш, бола-чақали бўлиш инсон учун бахт. Зокир ака ана шундай бахтга муяссар бўлган. Унинг икки ўғил ва бир қизи, олтита набираси бор. Ҳар иккала ўғил ҳам ота йўлидан бориб, Фарҳоджон фан номзоди бўлди ва бугунги кунда докторлик иши устида ишлаяпти. Кенжа ўғиллари Равшанжон эса «Умид» жамғармаси совриндори сифатида АҚШда дастлаб Нью-Йорк университетида бакалаврлик, кейинчалик Флорида штатидаги Жаксон-Вилл университетида магистрлик дипломини ҳимоя қилди. Бугунги кунда у Молия вазирлигининг етакчи мутахассиси бўлиб ишлаяпти. Улар оталари ишини ишонч билан баланд мақомларда давом эттириш истагидалар.

Олтмиш баҳорни қаршилаётган Зокир Йўлдошевни бамисоли серҳосил дарахт деса бўлади. Унинг мевалари мўл. Аҳли донишнинг энг яхши белгиси шу бўлса ажаб эмас.

■ **Ёркин АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, иқтисод фанлари доктори, профессор**

МУТОЛАА ЗАВҚИ

«АРВОНА»НИНГ ИЗТИРОБЛАРИ

«Арвона». Бу китоб Михаил Шолохов номидаги халқаро мукофот совриндори, қозоқ ёзувчиси Собит Дусанов қаламига мансуб. Асарни таниқли ёзувчи Носир Фозилов қозоқ тилидан таржима қилган.

Китобни ўқир экамиз, урғочи туя — моя Арвонанинг насл олиш учун ўзга юртга олиб кетилиши, юрт соғинчидан — моянинг қийналишлари бизни изтиробга солади. Моянинг боласини эргаштириб, туғилган юртига интилиши, бироқ мақсадга етишолмай қўлга тушиши эса кишини қаттиқ ҳаяжонлантиради. Бари-бир туяни юрт меҳри тинч қўймайди. Қийнайди, ўртайди. Уни овунчоғи, бирдан- бир юпанчи боласидан ҳам айиришади. Энди моянинг бор умиди ватанига қандай қилиб бўлса ҳам қайтиш. Туғилган жойига етса-ю, бир кўриб, ҳавосидан тўйиб нафас олиб, сўнг жон берса ҳам майли... Шундай хаёллар оғушида юрти сари яна қочади, чопади, энтикади у...

Йўл азоби, гўр азоби деганларидай моя узоқ йўлда кўп азобларга дуч келади. У гала-гала бўрилар билан олишади. Ҳориб, толиб, яраланиб ўз хонадонига етиб келади. Кўзларида мунг, соғинч ёшлари билан жон беради.

Ватан меҳрини, соғинчини ёзувчи моя — Арвона образи орқали шу қадар ёрқин, гўзал, жонли ифодалаб беролган. Чингиз Айтматов асарлари каби изтиробли, жозибали.

Ёзувчининг бу асари Ватан ҳақида битилган ўлмас қўшиқдир. Шунинг учун ҳам асар дунёнинг ўттиздан ошиқ тилларига ўгирилган. «Бу асар, — деб ёзади грузин адиби М. Дгжубурна, — халқларни бирлаштиради, турли эътиқодларни уйғунлаштиради. У табиат ҳақида, Ватанга муҳаббат ҳақида битилган достондир». Бугун юртни ташлаб кетишлар, ўз Ватанига тош отишлар кўпайиб бораётганида, бу асар катта аҳамиятга эга.

Шундай гўзал, ўлмас асарни жаҳон адабиёти кенгликларидан топиб, ўзбек ўқувчиларига тақдим этган «Жаҳон адабиёти» журнали яқинда ушбу асарни «Чўлпон» нашриёти ҳамкорлигида «жаҳон адабиёти кутубхонаси» туркумида нашр этди. Китоб 5000 нусхада чоп қилинган.

■ **Сарвар ЎРМОНОВ**

ОЛИС-ОЛИСЛАРДА...





ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета **220** Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обуна сони

2002 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси. исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

Нашрга етказиш варақаси

п.в	Жойи

220 Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

2002 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

ОАО «ТАНСИК НОН»

доводить до сведения акционеров, что отделам центра по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг по г. Ташкенту на основании протокола общего собрания акционеров №2 от 20 августа 2001 г. и приказа ГКИ РУз от 31 августа 2001 г. №1 — 385 КПО нового проспекта эмиссии ОАО «Тансик нон» № ПЭ/150 от 17.09.2001 г. ВНЕСЕНЫ ИЗМЕНЕНИЯ в распределения долей акций между акционерами:

Уставной фонд	*Гос. доля*	*Доля трудового колектива*	*Доля свободной продажи*
100 %	25 %	9.81 %	65.19 %
77670 шт	19418 шт	7623 шт	50629 шт
15534000 сум	3883600 сум	1524600 сум	10125800 сум

НАБЛЮДАТЕЛЬНЫЙ СОВЕТ ОАО «ТАНСИК НОН».

Жиззах вилояти ҳокимлиги Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреати, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ўктам Орипович ОРИПОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Саодат» журнали жамоаси ЎзРФА академиги, таниқли олима

Раҳимахон АМИНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқаро Шароф Рашидов жамғармаси жамоаси таниқли олим, Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, медицина фанлари доктори, ЎзРФА академиги, жамғарма Марказий Кенгаши аъзоси

Ўктам ОРИПОВнинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент ихтисослаштирилган хотин-қизлар коллежи жамоаси коллеж раҳбари Зуфарова Муаллам Мирумаровнага оналари

МАҲФУЗАХОН аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Республика Онкология илмий маркази жамоаси Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги

Ўктам Орипович ОРИПОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

BOSH MUHARRIR

Azim SUYUN

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Baxtiyor HAMIDOV (Mas'ul kotib)
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV
Mahkamboy O'MAR o'g'li

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56,
Axborot — 136-55-16
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 36-53-16
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi Ilhom KAROMOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 3102

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23.00
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA